

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил декабрь ойининг 1-куни жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, А.Рахимовнинг раислигида, Н.Жўраеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Когон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси М.Кличев, судланувчи Б.Салимов, жабрланувчилар И.Фармонов ва М.Рахматовларнинг иштирокида судланувчи Салимов Бобожон Олим ўғлига оид 1-2003-2501/182-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Салимов Бобожон Олим ўғли (Salimov Bobojon Olim o`g`li) - 1995 йил 6 декабрь куни Бухоро вилояти Когон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, “Вухого road proekt brand” МЧЖда бош архитектор вазифасида ишлаган, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг 2024 йил 9 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 33.000.000 сўм жарима жазосига судланган;

2) жиноят ишлари бўйича Когон туман судининг 2025 йил 17 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 62-моддаси тартибида 1 йил 10 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

3) жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг 2025 йил 20 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 228-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан 2 йил 2 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

4) жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 2025 йил 4 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, ўталмаган жазоси 2 йил 6 ой 5 кунни ташкил қилади, Когон тумани, “Чолоки” МФЙ, Каликон кўчаси, 241-уйда яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2025 йил 25 сентябрь кунидан қамоқда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 10 ноябрь куни олган,



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари, 228-моддасининг 1-қисми, 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И :

Б.Салимов 2020 йил 8 июнь кунидан 2023 йил 10 ноябрь кунига қадар “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖнинг меъморчилик-қурилиш бўлимида 2-тоифали ва 1-тоифали техник лавозимларида, 2023 йил 21 ноябрдан ҳозирга кунга қадар “Vuxoro road proekt brand” МЧЖда архитектор, лойиҳа бош архитектори, бош архитектор лавозимларида ишлаб келиб, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, қасддан жиноят содир қилиш йўлига ўтиб, 2022 йилнинг март ойида М.Рахматовга ўзини Бухоро шаҳар архитектура бўлими ходими сифатида таништирган ҳолда, унинг ишончига кириб, унга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун Бухоро шаҳар “Мохи-Хоса” МФЙ ҳудудидан ҳар бирининг майдони 2.88 сотихдан бўлган

2 та ер майдонини 1 йилда олиб беришни ва номига расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, алдаб, 2022 йил 16 декабрдаги 1638486-35666-сонли ва 1638486-35669-сонли қалбаки “Янги объект қурилишига рухсатнома”ларни ҳамда ер майдонининг чизмаларини тайёрлаб, мазкур ҳужжатларнинг қалбаки эканлигини била туриб, уларни фойдаланиш учун М.Рахматовга тақдим қилиб, 2022 йилнинг апрель ойидан 2023 йилнинг май ойига қадар бўлган вақтда Бухоро шаҳар “Н.Ганжавий” МФЙ ҳудудида ундан жами 7.800 АҚШ доллари (88.965.552 сўмга тенг бўлган) пулларни давомли равишда алдов йўли билан қўлга киритишга эришиб, қўлга киритилган пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари ва манфаатлари йўлида сарфлаб юбориб, ерни ва унинг ҳужжатларини расмийлаштириб бериш ҳақидаги ваъдаларини бажармай ва ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб, жабрланувчи М.Рахматовга 88.965.552 сўм анча миқдорда моддий зарар етказиб, фирибгарлик, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва улардан фойдаланиш жиноятларини содир қилган.

Шунингдек, у ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2020 йил 8 июнь кунидан 2023 йил 10 ноябрь кунига қадар “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖнинг меъморчилик-қурилиш бўлимида 2-тоифали ва 1-тоифали техник лавозимларида, 2023 йил 21 ноябрдан ҳозирга кунга қадар “Vuxoro road proekt brand” МЧЖда архитектор, лойиҳа бош архитектори, бош архитектор лавозимларида ишлаб келиб, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда қасддан жиноят содир қилиш йўлига ўтиб,



2023 йилнинг январь ойида И.Фармоновга ўзини Бухоро шаҳар архитектура бўлими ходими сифатида таништирган ҳолда, унинг ишончига кириб, унга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун Бухоро шаҳар “Моҳи-Хоса” МФЙ ҳудудидан 2.88 сотих ер майдонини 3 ойда олиб беришни ва номига расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, алдаб, 2022 йил 16 декабрдаги 1638486-35599-сонли қалбаки “Янги объект қурилишига рухсатнома”ни ҳамда ер майдонининг чизмаларини тайёрлаб, мазкур ҳужжатларнинг қалбаки эканлигини била туриб, уларни фойдаланиш учун И.Фармоновга тақдим қилиб, 2023 йилнинг январь ойидан 2023 йилнинг март ойига қадар бўлган вақтда Бухоро шаҳар “Н.Ганжавий” МФЙ ҳудудида ундан жами 5500 АҚШ доллари (62.782.775 сўмга тенг бўлган) пулларни давомли равишда алдов йўли билан қўлга киритишга эришиб, қўлга киритилган пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари ва манфаатлари йўлида сарфлаб юбориб, ерни ва унинг ҳужжатларини расмийлаштириб бериш ҳақидаги ваъдаларини бажармай ва ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб, жабрланувчи И.Фармоновга 62.782.775 сўм анча миқдорда моддий зарар етказиб, фирибгарлик, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва улардан фойдаланиш жиноятларини такроран содир қилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Б.Салимов эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2020-2023 йилларда Бухоро шаҳридаги “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖда 1 ва 2-тоифали техник лавозимларида ишлаганлигини, 2023 йилдан буён Бухоро шаҳридаги “Бухоро Род Проект Бренд” МЧЖда архитектор ва бош архитектор лавозимларида ишлаб келганлигини, М.Рахматовни 2022 йилдан буён танишини, 2022 йилнинг март ойида М.Рахматов билан учрашиб қолиб, у билан ўзаро суҳбатлашиб қолганлигини, М.Рахматов ер майдони сотиб олишини ва тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи эканлигини айтиб, Бухоро шаҳар, “Моҳи-Хоса” МФЙ, Ғиждувон кўчасида жойлашган “Абу Али Ибн Сино” номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институтининг ён томонидаги ер майдонларини сотиб олмоқчи эканлигини билдирганлигини, у М.Рахматовга у ердаги ер майдонларини сотиб олиш мумкин эканлигини ва унга сотиб олиб бериб, номига расмийлаштириб беришини айтганлигини, 2,88 сотих ер майдонининг нархини 5.000 АҚШ доллари эканлигини ва ер майдонини 1 йил муддат давомида унинг номига расмийлаштириб беришини билдирганлигини, М.Рахматов унга иккита 2,88 сотих ер майдони сотиб олишини билдирганини ва у билан иккита ер майдони нархини 10.000 АҚШ долларига келишиб олганлигини, бироқ, унинг келгусида ҳеч қандай ерни сотиб олиб бериш ва расмийлаштириб бериш нияти бўлмаганлигини, мазкур ишни кимнингдир ёрдамида ҳам амалга оширмақчи бўлмаганини, пул зарурлиги бўлганлиги сабабли, бу гапларни М.Рахматовни ишонтириш учун айтганлигини, М.Рахматов унга ишонганлигини, 2022 йилнинг март ойида у М.Рахматов билан Бухоро шаҳар “Н.Ганжавий” МФЙда жойлашган “Узтелеком” биносининг олдида кўришганлигини, М.Рахматов унга дастлаб



3.000 АҚШ доллари миқдорида пулларни ер майдони сотиб олиб бериши учун берганлигини ва қолган пулларни кейинроқ келтириб беришини билдирганлигини, у эса М.Рахматовга бир йил муддат давомида ерни сотиб олиб, номига расмийлаштириб беришини айтганлигини, шундан сўнг, ундан олган пулларини ўзининг шахсий эҳтиёжларига, хусусан қарзларини тўлашга ишлатиб юборганини, 2022 йилнинг ноябрь ойида М.Рахматов билан Бухоро шаҳар “Н.Ганжавий” МФЙда жойлашган “Узтелком” биносининг олдида кўришганлигини, М.Рахматов дўсти И.Фармонов билан бирга келганлигини, ўша вақтда М.Рахматов унга 4.800 АҚШ доллари миқдорида пулларни берганлигини, ўша вақтда И.Фармонов ҳам унга ер майдони сотиб олишини билдирганини, у И.Фармоновни ҳам М.Рахматовга айтган гапларни айтиб, ер майдони олиб беришига ишонтирганлигини, у И.Фармонов билан Бухоро шаҳар, “Моҳи-Хоса” МФЙ, Ғиждувон кўчасида жойлашган “Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти”нинг ён томонидаги 2,88 сотих ер майдонининг нархини 5.500 АҚШ долларига келишганлигини, И.Фармонов рози бўлганлигини, 5-6 кунлардан сўнг у И.Фармонов билан Бухоро шаҳар, “Н.Ганжавий” МФЙ, И.Мўминов кўчасида жойлашган “Китоблар олами” биносининг олдида кўришганлигини, И.Фармонов ўзининг “Equinox” русумли автомашинасининг ичида унга 5.500 АҚШ доллари миқдорида пулларни ер майдони сотиб олиб бериши учун берганлигини ва пул бериш жараёнини ўзининг телефонида видеотасвирга олганлигини, шундан сўнг, у олган пулларни ҳам ўзининг шахсий эҳтиёжларига, хусусан қарзларига ва еб-ичишга сарфлаб юборганлигини, И.Фармоновга ҳам ер майдони сотиб олиб бериш нияти бўлмаганлигини, пул керак бўлганлиги сабабли, уни ишонтириш учун айтганлигини, М.Рахматов ва И.Фармоновларга Бухоро шаҳар архитектурасида ишлашини, уларга ер майдони сотиб олиб бериб, уларнинг номига расмийлаштириб бериши мумкинлигини айтганлигини, бироқ, мазкур ишлар унинг ваколатига кирмаслигини, қурилиш рuxсатномалари ва ер майдони чизмаларини, улардаги рақамлар, саналар ва куар кодларни ўзи компьютерида тайёрлаб, реквизитларини ҳам ўзи кўйиб, қалбакилаштирганлигини ва мазкур хужжатларни уларга тақдим қилганлигини, яъни уларга қалбакиллаштирган хужжатларда кўрсатилган ер майдонларини олишларини айтганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қармоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчи бўлганлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган М.Рахматов, судланувчи Б.Салимовни 2021 йилдан буён танишини, 2022 йилнинг март ойида Б.Салимов билан учрашиб қолганлигини, Б.Салимов унга Бухоро шаҳар архитектура бўлимида ишлаётганлигини, Бухоро шаҳар, “Моҳи-Хоса” МФЙ, Ғиждувон кўчасида жойлашган “Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти”нинг ён томонида сотиладиган бўш ер майдонлари борлигини, 2,88 сотих ер майдонининг нархи 5.000 АҚШ доллари эканлигини, ернинг хужжатларини расмийлаштириш учун алоҳида



тўлов қилинишини айтганлигини, у Б.Салимов билан ўзаро савдолашиб, 2,88 сотих ер майдонини 3.000 АҚШ долларига келишганликларини, 2022 йилнинг апрель ойида у Бухоро шаҳар “Н.Ганжавий” МФЙ ҳудудида жойлашган Б.Салимовнинг офисига борганлигини, у ерда Б.Салимовга 3.000 АҚШ доллари миқдордаги пулларни 2,88 сотих ер майдонини олиб бериши учун берганлигини, Б.Салимов пулларни олганидан сўнг, бир йил муддат ичида ерни унинг номига расмийлаштириб беришини ваъда қилганлигини ва ўша ер чизмасини, қурилиш қуриш учун рухсатномани қўлига берганлигини, у Б.Салимовнинг гапларига ишониб, у айтган муддатни кутганлигини, 2022 йилнинг декабрь ойида Б.Салимов унга Бухоро шаҳар, “Мохи-Хоса” МФЙ, Ёжидувон кўчасида жойлашган “Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти”нинг ён томонида яна 2,88 сотих ер майдони борлигини, уни сотиб олишини ва ҳужжатларини тез орада расмийлаштириб беришини айтганлигини, у Б.Салимов билан ернинг баҳосини 4.000 АҚШ долларига келишиб, ўша вақтнинг ўзида унга 3.800 АҚШ доллари миқдордаги пулларни Бухоро шаҳар “Н.Ганжавий” МФЙ ҳудудида жойлашган Б.Салимовнинг офиси яқинида, унинг автомашинаси ичида берганлигини, кейинчалик, Б.Салимов ернинг ҳужжатларини тайёрлаши учун унга пул беришини сўраганлигини, 2023 йилнинг май ойида Б.Салимов билан Бухоро шаҳар Пиридастгир кўчасида жойлашган “Чинор” кафесининг олдида кўришиб, унга яна 1.000 АҚШ доллари берганини, кейин ваъда қилинган муддатни кутиб, муддат келгач, Б.Салимовдан ер майдони ҳақида сўраганлигини, Б.Салимов турли хил баҳоналар қилиб, вақтни чўзиб келганлигини, 2024 йилнинг июль ойида Б.Салимов берган ҳужжатлар, яъни 2022 йил 16 декабрдаги

1638486-35666-сонли ва 1638486-35669-сонли янги объект қурилиши учун рухсатномалар ва ернинг чизмалар ҳақида суриштириб, ҳужжатлардаги QR штрих кодини текшириб кўрган вақтида, ҳеч қандай маълумот чиқмагач, улар қалбаки эканлигини билганлигини ва бу ҳақида Б.Салимовга айтганлигини, Б.Салимов ҳақиқатдан ҳам уни алдаганлигини, ҳужжатларни ўзи тайёрлаганлигини, ундан олган пулларни тўлиқ қайтариб беришини айтганлигини, у яна Б.Салимовнинг гапларига ишониб, пулларини қайтариб беришини кутганлигини, бироқ, Б.Салимов унга олган пулларни қайтариб бермаганлигини, судланувчи Б.Салимовга нисбатан даъвоси борлигини, ундан етказилган зарарни ундириб, қонуний чора кўришни сўраб, кўрсатув берди

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган И.Фармонов, судланувчи Б.Салимов билан дўсти М.Рахматов орқали 2023 йилнинг январь ойида танишганлигини, ўша вақтда М.Рахматов унга Б.Салимовдан 2,88 сотих ер майдонини сотиб олаётганлигини айтганлигини, у ҳам қизиқиб, келгусида мазкур ер майдонида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш мақсадида, М.Рахматовга у ҳам ер сотиб олишини айтганини, шундан сўнг, М.Рахматов уни Б.Салимов билан таништирганлигини, 2023 йил январь ойининг бошларида у Б.Салимов билан Бухоро шаҳар “Н.Ганжавий” МФЙда



жойлашган “Китоблар олами” биносининг олдида кўришиб, гаплашиб олганлигини, Б.Салимов ўзини Бухоро шаҳар архитектурасида ишлашини, Бухоро шаҳар, “Мохи-Хоса” МФЙ, Гиждувон кўчасида жойлашган “Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти”нинг ён томонида сотиладиган бўш ер майдонлари борлигини, 2,88 сотих ер майдонининг нархи 5.000 АҚШ доллари эканлигини ва 500 АҚШ доллари ернинг проектини тайёрлаш учун берилишини айтганини, мазкур ер майдонлари сносга тушганлигини, ер эгалари билан гаплашиб, 2,88 сотих ер майдонини унинг номига 3 ой муддатда расмийлаштириб беришини айтганини, у Б.Салимовнинг гапларига ишониб, 2023 йил январь ойининг ўрталарида Б.Салимов билан Бухоро шаҳар “Н.Ганжавий” МФЙда жойлашган “Китоблар олами” биносининг олдида кўришганлигини ва унга ер майдонини сотиб олишини айтганини, у ўзининг кулранг “Equinox” русумли автомашинасининг ичида Б.Салимовга 5.000 АҚШ долларини берганлигини, Б.Салимов олган пулларни санаб олганлигини, у мазкур жараёни ўзининг кўл телефонига видеотасвирга олганлигини, Б.Салимов видеотасвирда 5.000 АҚШ доллари пулларни қарз сифатида олганлигини айтганлигини, бироқ, у Б.Салимовга 5.000 АҚШ долларини 2,88 сотих ер майдонини унинг номига расмийлаштириб бериши учун берганлигини, Б.Салимов пулларни олгандан сўнг, уч ой муддатда ер майдонини унинг номига расмийлаштириб беришини ваъда қилиб, ўша ер майдонининг чизмасини ва қурилиш учун рухсатномаларни берганлигини, у мазкур ҳужжатларни ўзи билан бирга олиб келганини, кейинчалик Б.Салимов ернинг ҳужжатларини тайёрлаши учун унга 500 АҚШ доллари пулларни сўраганлигини, 2023 йилнинг март ойида Б.Салимов сўраган 500 АҚШ долларни унга берганини, шундан сўнг ваъда қилинган муддатни кутганлигини, муддат келгач, Б.Салимовдан ер майдони ҳақида сўраганлигини, Б.Салимов турли хил баҳоналар қилиб, вақтни чўзиб юрганлигини, 2024 йилнинг июль ойида Б.Салимов берган ҳужжатлар, яъни 2022 йил 16 декабрдаги 1638486-35666-сонли ва 1638486-35669-сонли янги объект қурилиши учун рухсатномалар ва ернинг чизмалар ҳақида суриштириб, ҳужжатлардаги QR штрих кодини текшириб кўрган вақтида, ҳеч қандай маълумот чиқмагач, улар қалбаки эканлигини билганлигини ва бу ҳақида Б.Салимовга айтганлигини, Б.Салимов эса унга уни алдаганлигини, ҳужжатлар ҳақиқатдан ҳам сохта бўлганлигини, мазкур ҳужжатларни ўзи тайёрлаганлигини, олган пулларни тўлиқ қайтариб беришини айтганлигини, у яна Б.Салимовнинг гапларига ишониб, пулларини қайтариб беришини кутганини, бироқ, Б.Салимов олган пулларни қайтариб бермаганлигини, судланувчи Б.Салимовга нисбатан даввоси борлигини, ундан етказилган зарарни ундириб, қонуний чора кўришни сўраб, кўрсатув берди

Судланувчи Б.Салимовнинг айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, аризалар (и.в. 6), янги объект қурилиш рухсатномалари ва уларга илова қилинган чизмалар (и.в. 10-12, 17-22), “Телеграм” интернет ижтимоий тармоқ орқали бўлиб ўтган ёзишмалар фотосуратлари (и.в. 23-31), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва



унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 34-39), флеш хотира ва ундаги видеотасвирни кўздан кечириш баённомаси (и.в. 77), тушунтириш хатлари бошқа далилар билан ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.Салимовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари, 228-моддасининг 1-қисми ва 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.Салимовнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 228-моддасининг 3-қисми билан квалификация қилиниб, хатоликка йўл қўйилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмида, сохталаштирувчининг ўзи қалбаки ҳужжатдан фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжат башарти айбдор томонидан тайёрланган ёки сохталаштирилган бўлса, ЖКнинг 228-моддаси 1 ёки 2-қисмлари билан квалификация қилиниши, ўзи томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда жиноят содир этган шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмаслиги, чунки бундай ҳолда ҳужжат айбдор томонидан ўз мақсадига эришиш учун усул сифатида фойдаланилган бўлишлиги назарда тутилган.

Суд юқорида қайд этилган Пленум талабидан келиб чиқиб, Б.Салимовнинг айбидан ЖК 228-моддасининг 3-қисми ортиқча эълон қилинганлиги сабабли, мазкур моддани чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 26-бандида судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган ЖКнинг моддасини чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтиши етарли эканлиги қайд этилганлигини инобатга олиб, суд судланувчи Б.Салимовнинг айбидан чиқарилиши лозим бўлган жиноят қонуни моддани ҳукмининг қарор қисмида кўрсатмасликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 33-моддасининг 2-қисмида агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айти бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилиши қайд этилган.

Суд юқорида қайд этилган қонун талабидан келиб чиқиб, судланувчи Б.Салимовга Ўзбекистон Республикаси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан жазо тайинлашни лозим топади.



Суд судланувчи Б.Салимовнинг айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати судланувчи Б.Салимовга жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, шахсини, оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчи бўлганлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси борлигини ва етказилган зарар миқдорини инобатга олиб, ЖК 168-моддасининг 3-қисми билан жазо санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 228-моддасининг 2-қисми билан жазо санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ҳамда ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2025 йил 4 июндаги ҳукми билан тайинланган жазони янги ҳукм бўйича тайинланган жазога қисман қўшишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги, бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши кераклиги қайд этилган.

Суд юқорида қайд этилган Пленум қарорининг раҳбарий кўрсатмасига амал қилган ҳолда, судланувчи Б.Салимов томонидан содир этилган жиноят унинг касб фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, давлат иштирокидаги ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарорининг 10-бандида жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозимлиги қайд этилган.

Юқорида қайд этилган Пленум қарорининг раҳбарий кўрсатмасига амал қилиб, суд, судланувчи Б.Салимовдан ҳукм чиқарилган кундаги 7.800 АҚШ долларига тенг бўлган (2025 йил 1 декабрь куни ҳолатида 1 АҚШ доллари 11.940,95 сўм этиб белгиланган) 93.139.410 сўм жабрланувчи М.Рахматовнинг фойдасига, 5.500 АҚШ долларига тенг бўлган



65.675.225 сўм жабрланувчи И.Фармоновнинг фойдасига ундиришни белгилашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468 ва 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

Салимов Бобожон Олим ўғли (Salimov Bobojon Olim o`g`li) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга:

- Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 2 (икки) йил муддатга давлат иштирокидаги ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинласин.

- Жиноят кодекси 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг

20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59,61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича Б.Салимовга 2 (икки) йил муддатга давлат иштирокидаги ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, 5 (беш) йил 3 (уч) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2025 йил 4 июндаги ҳукми билан тайинланган жазони янги ҳукм бўйича тайинланган жазога қисман кўшиб, Б.Салимовга ўташ учун узил-кесил 2 (икки) йил муддатга давлат иштирокидаги ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2025 йил 25 сентябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргунга қадар Б.Салимовга нисбатан қўлланилган камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Б.Салимовдан жабрланувчи М.Рахматовнинг фойдасига 93.139.410 сўм, жабрланувчи И.Фармоновнинг фойдасига 65.675.225 сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.



**Раислик қилувчи**

**(имзо)**

**А.Рахимов**

**Нусхаси аслига тўғри\_\_\_\_\_**

Ҳужжат имзоланган: Рахимов Акрам Полвонович, 19.12.2025

